

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

"РЎЙХАТГА ОЛИНДИ"

**№ ВМ-343-53406-4.03
"1" июль 2003 й.**

"ТАСДИҚЛАНДИ"

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги**

"8" июль 2003 й.

**МОЛИЯ МЕНЕЖМЕНТИ
фанидан
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 - "Бизнес ва бошқарув"
таълим соҳасидаги 5340600 - "Молия"
бакалавриат йўналиши учун**

Тошкент - 2003

Тузувчилар: доц. Жамолов Х. Н.,
проф. Аюпов Р.

Тақризчилар: проф. Маликов Т. С.,
доц. Сройиддинова З. З.

Мазкур дастур хозирги шароитда молиявий менежментни ташкил этишнинг илмий-услубий асосларини қамраб олади ва иқтисодий олий ўкув юргуларида бакалавриатнинг "Бизнес ва бошқарув" соҳаси "Молия" йўналиши талабалари учун мўлжалланган.

Молия тизимида фаолият юритаётган мутахассислар молиявий менежмент назарияси ва амалиётининг долзарб масалаларига кундалик фаолиятда тез-тез дуч келадилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий ўсишни таъминлаш ва давлат ҳамда корхоналар молиясини самарали бошқаришни ташкил этиш мазкур соҳаларда юқори малакали мутахассисларни талаб этади. Мазкур дастур саволлари асосида берилган маъruzalар давлат молияси ҳам корхоналар молиясини илмий асосланган тарзда бошқариш бўйича керакли назарий билимларни беришга қаратилган.

Мазкур дастур асосида тақдим этилган маъruzalар молия менежмент муаммоларини ечиш учун талабаларга зарурый қўнимлар беришнинг назарий йўналишларини беради.

Данная программа включает в себя теоретические и научно-методические основы организации финансового менеджмента в современных условиях и предназначена для студентов направления бакалавриата "Финансы" сферы "Бизнес и управление". В программе освещены сущность, функции, звенья и современные методы финансового менеджмента, особенности и современные проблемы организации финансового менеджмента в Республике Узбекистан. В программе приведены списки литературы на узбекском, русском и английском языках. Конце списку приложена перечень сайтов интернета и компьютерных учебных программ по соответствующим темам курса.

The given manual is intended for the students of economic high schools.

The specialists working on Finance system well be guided in questions of the subject Finance management.

Market conditions require high qualified experts to provide economic growth, to effectively managing of Public and companies finances. In subjects of the given rate the theoretical questions concerning management of both companies and public finance.

The given rate of lectures stipulated by the program will help the students the basic theoretical aspects necessary for the decision of problems connected with financial management.

Дастур Тошкент молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

Фанни ўқитишнинг мақсади ва вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро боғланиши

"Молия менежменти" фанини ўқитишдан мақсад – келгусида юқори малакали иқтисодчи мутахассислар бўлиб етишадиган талабалар учун Ўзбекистон Республикасида молия менежменти ҳақида назарий билимлар бериш, уларда давлатнинг бозор иқтисодиётiga ўтиш даврида молия сиёсатини амалга оширадиган корхоналар фаолиятини бошқариш асослари бўйича кўникмалар ҳосил қилишдан иборат. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб фан олдига қуидаги вазифалар кўйилади:

- молия менежментининг моҳияти, аҳамияти вазифалари ва таркибий тузилишини ўрганиш;
- молиявий ҳисоботлар турлари, улар таҳлилиниң назарий услубий асосларини ўрганиш;
- молиявий таҳминлаштириш ва бюджетнинг тузилиши асосларини ўрганиш;
- молия менежментининг фундаментал концепцияларини ўрганиш;
- узоқ муддатли инвестицион қарорлар қабул қилиш стратегиясининг асосларини ўрганиш;
- корхона ишчи сармоясини бошқариш усуллари, молиявий воситаларини ўрганиш;
- узоқ муддатли молиявий ечимлар стратегиясининг вазифалари, йўналишлари ва усулларини ўрганиш.

"Молия менежменти" фани "Молия", "Халқаро иқтисодий муносабатлар", "Иқтисодий назария", "Давлат бюджети", "Чет мамлакатлар молияси" каби фанлардан олинган назарий асосларга таянади.

Шу билан бирга "Молия менежменти" фани қатор махсус фанлар, жумладан, "Давлат бюджети", "Маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва бошқариш", "Нобюджет фондлар", "Халқаро молия муносабатлари", "Корхона молияси", "Солиқ назарияси", "Суғурта асослари", "Қимматли қофозлар бозори" каби фанларни ўзлаштириш учун назарий-услубий асос бўлиб хизмат қиласди.

Олий таълим йўналиши ёки мутахассислиги давлат таълим стандартига (ДТСга) мувофиқ равишда ўқув фани бўйича билим, кўникма ва малакаларига талаблар

Ушбу фанни ўрганиш жараёнида талабалар тегишли билимга, укувга ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим. Талабалар умумназарий фанлардан олган билимлари билан бир қаторда молиявий қонунчилик ва бошқарув соҳасидаги янгиликлардан, кундалик молиявий ўзгаришлардан хабардор бўлишлари лозим. Мазкур фаннинг асосий ғояларини тўла ва муваффақиятли ўрганиш учун талабалар молия амалиётида мавжуд иқтисодий таҳлил, молиявий режалаштириш ва бошқарув усууларидан фойдалана билишлари лозим.

"Молия менежменти" фанидан олинган билимлар талабаларни олий ўқув юртини тамомлагандан сўнг, молия соҳасидаги бошқарув амалиётига оид кундалик фаолиятда учрайдиган долзарб масалаларни ечишда ҳамда халқаро молия муносабатларига доир адабиётларни ўрганиб малакаларини оширишларида қўл келади.

**Амалий, семинар ва лаборатория машғулотлари бўйича бажариладиган ишлар
минимал миқдорига талаблар**

Талабалар ишчи ўқув дастурида келтирилган амалий (семинар) машғулотлар бўйича тегишли мавзуларда конспектлар олади, реферат ва мустақил ишлар тайёрлайди ҳамда амалиёт ўқитувчиси назоратида улар юзасидан оғзаки сухбатдан ўтади. Амалий машғулотлар мавзуларида курсив билан кўрсатилган саволларни талабалар мустақил равишда тўлиқ ўзлаштиришлари лозим.

Аудитория машғулоти турларининг соатлар ҳажми (фоизларда) бўйича тавсиялар

Олий касбий таълимнинг давлат стандартларида мазкур фанга жами 108, шу жумладан 36 - маъруза, 36 - амалий машғулотлар ва 36 мустақил таълим соатлари ажратилган. Ушбу фан бўйича дарсларни ташкил этиш VII семестрга мўлжалланган.

Талабалар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори

Ушбу фан бўйича талабаларнинг ўзлаштириш даражаси ўқув рейтинг тизими бўйича жорий, оралиқ ва якуний баҳолаш давомида йиқсан баллар асосида белгиланади.

Фанни ўқитишининг бир семестрида икки маротаба жорий (семинар машғулотларида), икки маротаба оралиқ (маъруза машғулотларида) ва бир маротаба якуний баҳолаш (ёзма иш усулида) амалга оширилади.

Компьютер, информацион ва бошқа замонавий ўқитиши технологияларини қўллаш

Ушбу фанни ўқитиши жараёнида янги технологиялардан фойдаланиш имкониятлари қуидагилардан иборат:

- тегишли ўқув мақсадларини ишлаб чиқиш технологиясининг мавжудлиги;
- тўла ўзлаштириш технологияси кўзда тутилганлиги;
- ўқув мақсадларини назорат (тест) топшириқларига ўтказиши технологияси мавжудлиги;
- тест топшириқларининг инвариантлиги методологияси ва назариясидан фойдаланилиши;
- муаммоли усул ва ҳақиқатни иммитацион моделлаштириш асосларидан фойдаланилиши;
- таянч ибораларга асосланган ёзма иш орқали назорат ишларини ўтказиши тизимидан фойдаланилиши.

Бу фанни ўқитишида молия соҳасига доир қонунлар, ҳукумат қарорлари, молиявий ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизими ("Молия" АИЖ) дастури, низомлар ва молиявий лойиҳаларни баҳолашнинг ЮНИДО ва "Projectexpert" компьютер дастурларидан, янги компьютер технологияларидан, тарқатма материаллардан, тестлар тўпламидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Ишчи дастур тузишга оид услубий тавсиялар

Мазкур фан "Молия" бакалавр таълим йўналиши бўйича мутахассисларга тегишли тарзда 7-семестрда ўтилиши мўлжалланган.

Ушбу фан бўйича ишчи дастурлари тузишда қуидагиларга эътибор бериш лозим:

- Ишчи дастурда фан бўйича бакалавриат босқичининг тегишли йўналишлари учун тасдиқланган ўқув режасига мувофиқ ажратилган соатлар ҳисобга олиниши зарур.

- Ишчи дастурда ҳар бир мавзуга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳамда тегишли молиявий конунчилик асосидаги янги талаб ва ўзгаришлар талабалар эътиборини жалб этадиган тарзда берилиши керак.
- Ишчи дастурда мустақил ўзлаштириладиган мавзулар ва саволлар ажратилиб кўрсатилиши лозим.
- Ишчи дастурда ўқитишнинг илгор технологиялари, дастурий таъминот имкониятлари ҳамда талабалар билими даражасини назорат қилишнинг рейтинг тизими талабларидан келиб чиқувчи вазифалар ҳам ёритилиши зарур.

2. ФАН ДАСТУРИ

"Молия менежменти" фани бўйича ўқиладиган маъruzалар мавзулари:

Молиявий менежмент асослари

Бизнес ҳақида тушунча. Бизнеснинг асосий мақсади - узок муддатли, кисқа муддатли молиявий қарорлар қабул қилиш. *Молиявий менежсер, унинг вазифалари ва функциясини аниқловчи молиявий бошқариши институтлари.* Молиявий тизимнинг бозор модели. Молия бозори янги имкониятларининг шаклланиши. Ишбилармон ташкилотчилар: корхонага шерикчилик асосида ҳамда унга ёлгиз эгалик қилишдаги қулайлик ва камчиликлар.

Молиявий ҳисоботлар

Молиявий ҳисоботларнинг асосий турлари: баланс ҳисоботи, фойда ва зарарлар ҳисоботи, пул маблағларининг ҳаракати ҳисоботи. *Баланс активи моддаларининг таркиби, баланс пассиви моддаларининг таркиби.* Фойда ва зарарлар ҳисоботи ва унинг асосий элементлари. Пул маблағлари ҳаракати таҳлили. Қўшимча молиявий ҳисоботлар. *Йиллик молиявий ҳисоботларнинг бошқа бўлимлари.*

Молиявий ҳисоботларни таҳлил қилиш

Молиявий ҳисоботларни таҳлил қилишининг моҳияти ва зарурияти усуслари. Молиявий коэффицентлар. Ликвидлилик, активларни бошқариш кўрсаткичлари. Қарзларни бошқариш. Фойдага тавсиф. Қимматли қоғозларнинг бозор қиймати. Коэффицентларни таҳлил қилишининг услубий асослари.

Молиявий тахминлаштириш ва бюджетнинг тузилиши

Молиявий тахминлаштиришининг асосий босқичлари. Корхонанинг сотиш операцияларини режалаштириш учун капитал қўйилма хажмларини олдиндан

баҳолаш, корхонанинг молиявий таъминланганлигини ҳисоблаш. Сотишдан олинадиган фойдани ҳисоблаш усули, корхонада сотишдан олинадиган фойдани ҳисоблаш усулини режалаштиришга эҳтиёж. *Бюджет турлари: жорий, молиявий.*

Корхона фолиятини бошқаришни такомиллаштириш ва таҳлил қилиш

Инвестициядан олинадиган фойда - корхонанинг ривожланиши кўрсаткичи. Инвестиция-лардан олинадиган фойда ва акционер сармоясидан олинадиган фойда коэффицентларини ҳисоблаши. Акционерлик даромадига ҳавф-хатарда молиянинг таъсири. Инвестициядан олинадиган фойда ва акционерлик сармоясидан олинадиган фойданинг қиёсий таҳлили. *Маблагларнинг қайта молиялаштириши мақсадларида ишлатилиши имкониятлари таҳлили.*

Пулнинг вақтингчалик қиймати, даромад ва рисклар

Пулнинг вақтингчалик қиймати ҳақида тушунча. Пулнинг келгуси қиймати копцепцияси. Аннуитет. Пулнинг кейинги ва жорий қиймати ўзгаришидаги умумий олти тасодиф. *Даромад ҳақида тушунча ва унинг ўзгариши.* Арифметик ва геометрик даромад моҳияти, унинг фарқи. *Рискларнинг моҳияти ва турлари.* Қимматли қоғозлар портфелини тайёрлаши ва унинг ўзгариши коэффицентларини ҳисоблаши.

Қимматли қоғозлар билан молиявий операциялар

Облигациялар ҳақида тушунча ва унинг белгилари: номинал қийматли купон ставкаси, олиши вақти, облигациядан олинадиган даромадларни ҳисоблаши турлари. Жорий даромадни ҳисоблаш. Қоплаш муддати келган даромадларни ҳисоблаш хусусиятлари. *Акциялар ва уларнинг турлари: оддий ва имтиёзли акция.* Оддий ва имтиёзли акцияларни баҳолаши усулларининг умумийлиги ва фарқи.

Сармоя қиймати

Сармоя қиймати. Сармоя қийматини унинг элементлари бўйича ҳисоблаши. Солиқка тортилгунга қадар фойда қиймати. Корхона сармоясининг халқаро ва умумий қиймати. *Сармоя турларининг қиймати:* бошлангич, мақсадли, маржинал. Сармоянинг қиймати ва уни молиялаштириш даражаси.

Сармоялар сарф қилинишини режалаштириш бўйича қарорларни қабул қилиш

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришининг моҳияти ва хусусиятлари. Инвестицион лойиҳаларни баҳолаши усуллари. Лойиҳавий қарорларнинг энг яхши варианtlарини танлаш.

Молиявий леверидж ва сармоя таркиби

Зарарсизликни таҳлил қилиш. *Маржинал фойда. Молиявий левериджҳақида тушуунча. Операцион ва молиявийлевериджни ҳисоблаш формуласи.* Сармоя таркибини бошқарии дастаклари. Сармоя оқилона таркибини таъминлаш усуллари. Солиққа тортилгунга қадар ва фоизлар тўлангунга қадар бўлган фойда. Пул маблағларининг келишини таҳлил қилиш. *Қоплаш коэффициенти.* Сармоя оқилона таркибини таъминлаши юзасидан қарорлар қабул қилиши.

Айланма сармояни бошқариш

Айланма сармояни баҳолаш. Хавф-хатар ва даромад ўртасидаги мутаносибликни баҳолаш. Пул операцияларини тартибга солиш. Корхона учун зарур бўлган пул маблағлари ҳажми ҳақидаги қарор қабул қилишига таъсир этувчи омиллар. Кредит ва ҳисоб-китоб сиёсатининг муаммоли жиҳатлари. *Товар моддий заҳираларни бошқарии усуллари.* Омборхонада товарни сақлашнинг ҳисоб китоби.

Қисқа муддатли ва ўрта муддатли молиялаштириш

Қисқа муддатли молиялаштириши татбиқ этиши. Қисқа муддатли молиялаштириши манбалари. Қисқа муддатли молиялаштириш манбаларининг афзалликлари. *Қисқа муддатли молиялаштиришининг ютуқ ва камчиликлари.*

Узоқ муддатли молиялаштиришда қарз маблағларининг ҳисоби

Узоқ муддатли молиялаштириши. Узоқ муддатли қарз турларининг манбалари, муддати, қўлланилиши хусусиятлари. Гаровга қўйиладиган облигацияларнинг турлари, шартлари, имтиёзлари. Облигация чиқариш хусусиятлари, турлари ва шартлари. Корхона инвестори учун заём чиқариини ҳисоблашда қўшимча молиялаштиришининг имтиёз ва камчиликлари.

Акционерлар сармояларини ҳисоблашда узоқ муддатли молиялаштириш

Акционерлар қимматли қоғозларини чиқарииш. Акция ва бошқа қимматли қоғозларнинг турларидаги имтиёз ва камчиликлар. Янги қимматли қоғозлар эмиссияси операциясининг раҳбарият томонидан тартибга солиниши. *Молиялаштириши танлаши усуллари ва унга таъсир этувчи омиллар.*

Дивиденд сиёсати

Дивидендерлар. Пул шаклидаги дивиденд, акция шаклидаги дивиденд. Акция учун барқарор даромад сиёсати; келишувчанлик сиёсати; қолдиқ дивиденд сиёсати; дивиденд кўринишида тўланадиган даромадларнинг доимий улуши. *Дивиденд сиёсатига таъсир этувчи омиллар:* корхонанинг ўсиши суръати, чегараловчи

шартномалар, даромадлилик даражаларининг барқарорлиги, солиқ жарималари, қарзга олинган капитал эвазига молиялашириши даражаси ва бошқалар.

Варрантлар ва конвертацияланган қимматли қоғозлар

Варрантларнинг, баҳоланиши. Варрантларни чиқаришнинг афзалликлари ва камчиликлари. Конвертацияланувчи қимматли қоғозлар. Конвертацион баҳо, фоизли конвертацион мукофот, конвертацияланувчи қимматли қоғозларнинг эмитент ва инвесторлар учун афзалликлари ва камчиликлари. Конвертацияланувчи қимматли қоғозлар ва варрантлар ўртасидаги фарқлар. Корхона молиявий стратегиясида варрантлар ва конвертацияланувчи қимматли қоғозларнинг роли.

Банкротлилилк ва қайта тузиш

Банкротлилилк тушиунчасининг моҳияти. Банкротлиликнинг миқдор ва сифат жиҳатидан ифодаланиши. Инқирозга учрашни олдиндан белгилаш. Альтманнинг "Z-доимийси"нинг моҳияти, уни ҳисоблашнинг молиявий ва миқдорий усуллари. Банкротлиликнинг сабаблари. Банкротликка учраган корхонани қўллаб-қувватлаш варианtlари: автоматик пролонгация (қарз муддатини узайтириш), қарздорнинг кредитор билан келишувга келиши. Банкротликка учраган корхонани қайта тузиш. Қайта тузиш ҳақида мурожаат қилиш. Қайта тузшининг турлари: ижтимоий ва мажбурий.

3. АМАЛИЙ ВА СЕМИНАР МАШГУЛОТЛАРИ, ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИ, ЧИЗМА-ҲИСОБ ИШЛАРИ, КУРС ИШ (ЛОЙИХА)ЛАРИ МАВЗУЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ РЎЙХАТИ

Амалий (семинар) машғулотлари мавзулари рўйхати

Молиявий менежмент асослари

Бизнес ҳақида тушунча*. Тафтишчи ва хазиначининг функцияси, вазифалари. Молиявий тизимнинг бозор модели*. Молия бозори. Молиявий активлар турлари.

Молиявий ҳисоботлар

Баланс ҳисботи, фойда ва заарлар ҳисботи, пул маблағларининг ҳаракати ҳисботи. Ҳисботлар таркибий тузилиши*. Баланс активи моддаларининг таркиби, баланс пассив моддаларининг таркиби*. Фойда ва заарлар ҳисботи ва унинг асосий элементлари*. Пул маблағларининг ҳаракати ҳисботи*. Кўшимча молиявий ҳисботлар*.

Молиявий ҳисоботларни таҳлил қилиш

Молиявий ҳисоботларни таҳлил қилиш усуллари: таққослаш, вертикал, горизонтал*. Молиявий коэффицентларни гурухлаш. Ликвидилик, активларни бошқариш кўрсаткичлари. Коэффицентлар тавсифи, уларни ҳисоблаш формуласи. Коэффицентларни таҳлил қилишнинг услубий асослари.

Молиявий тахминлаштириш ва бюджетнинг тузилиши

Корхонанинг сотиш операцияларини режалаштириш учун капитал қўйилма ҳажмларини олдиндан баҳолаш, корхонанинг молиявий таъминланганлигини ҳисоблаш. Сотишдан олинадиган фойдани ҳисоблаш усули, корхонада сотишдан олинадиган фойдани ҳисоблаш усулини режалаштиришга эҳтиёж*. Корхона бюджети ҳақида тушунча. Бюджетни тайёрлашнинг асосий босқичлари*.

Корхона фолиятини бошқаришни такомиллаштириш ва таҳлил қилиш

Инвестициядан олинадиган фойда - корхонанинг ривожланиш кўрсаткичи. Хусусий сармоядан олинадиган фойда қўрсаткичи. Акционерлик сармоясининг қайтим коэффициенти*. Инвестициялардан олинадиган фойда ва акционер сармоясидан олинадиган фойда коэффицентларини ҳисоблаш*.

Пулнинг вақтинчалик қиймати, даромад ва рисклар

Пулнинг вақтинчалик ва келгуси қиймати концепциялари. Пулнинг келгуси қийматини ҳисоблаш. Пулнинг жорий қийматини ҳисоблаш. Пулнинг кейинги ва жорий қиймати ўзгаришидаги умумий олти тасодиф. Даромад ҳақида тушунча ва унинг ўзгариши. Кутиласидиган фойда нормасини ҳисоблаш*. Сотиб олувчиларнинг тўловга лаёқатлилиги. Қимматли қоғозлар портфелини тайёрлаш ва унинг ўзгариш коэффицентларини ҳисоблаш*.

Қимматли қоғозлар билан молиявий операциялар

Облигациялар ҳақида тушунча ва унинг белгилари: номинал қийматли купон ставкаси, олиш вақти, облигациядан олинадиган даромадларни ҳисоблаш турлари*. Қоплаш муддати келган даромадларни ҳисоблаш хусусиятлари*. Акциялар ва уларнинг турлари: оддий ва имтиёзли акция*. Оддий акциялардан кутиласидиган даромадларни ҳисоблаш.

Сармоя қиймати

Сармоя қийматини унинг элементлари бўйича ҳисоблаш*. Солиқса тортилгунга қадар фойда қиймати. Тақсимланмаган фойда. Корхона сармоясининг

халқаро ва умумий қиймати. Сармоянинг қиймати ва уни молиялаштириш даражаси*.

Сармоялар сарф қилинишини режалаштириш бўйича қарорларни қабул қилиш

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг моҳияти ва хусусиятлари*. Инвестицион лойиҳаларни баҳолаш усуллари: қоплаш муддати, фойда нормасини хисоблаш, соф жорий қиймати, рентабеллик коэффициенти*.

Молиявий леверидж ва сармоя таркиби

Заарсизликни таҳлил қилиш. Маржинал фойда. Маржинал фойда берадиганмувозанат нуқтаси ва уни ҳисоблаш. Молиявий леверидж. Операцион ва молиявийлевериджни ҳисоблаш формуласи*. Солиқقا тортилгунга қадар ва фоизлар тўлангунга қадар бўлган фойда. Акциядан олинган фойда. Пул маблағларининг келишини таҳлил қилиш. Сармоя оқилона таркибини таъминлаш юзасидан қарорлар қабул қилиш*.

Айланма сармояни бошқариш

Айланма сармояни баҳолаш* ва Пул операцияларини тартибга солиш. Корхона учун зарур бўлган пул маблағлари ҳажми ҳақидаги қарор қабул қилиш. Дебиторлик қарз-ларини бошқариш усуллари. Кредит ва ҳисоб-китоб сиёсатининг муаммоли жиҳатлари. Товар моддий заҳираларини бошқариш усуллари.

Қисқа муддатли ва ўрта муддатли молиялаштириш

Қисқа муддатли молиялаштириш манбалари: корхона ўз маблағлари, тижорат кредити, банк кредити, қимматли қоғозларни сотишдан тушум, кредиторлик қарзлари*. Қисқа муддатли молиялаштириш манбаларининг афзалликлари.

Узок муддатли молиялаштиришда қарз маблағларининг ҳисоби

Узок муддатли қарз турларининг манбалари, муддати, қўлланилиш хусусиятлари*. Облигация чиқаришнинг хусусиятлари, турлари ва шартлари. Корхона инвестори учун заём чиқаришни ҳисоблашда кўшимча молиялаштиришнинг имтиёз ва камчиликлари*.

Акционерлар сармояларини ҳисоблашда узок муддатли молиялаштириш

Акция ва бошқа қимматли қоғозларнинг турларидаги имтиёз ва камчиликлар. Молиялаштиришни танлаш усуллари ва унга таъсир этувчи омиллар*. Банкларнинг корхона инвестицион фаолиятини ташкил этишдаги роли.

Дивиденд сиёсати

Дивиденд сиёсати ва унинг турлари*. Акция учун барқарор даромад сиёсати; келишувчанлик сиёсати; қолдиқ дивиденд сиёсати; дивиденд кўринишида тўланадиган даромадларнинг доимий улушки. Дивиденд сиёсатига таъсир этувчи омиллар.

Варрантлар ва конвертацияланган қимматли қоғозлар

Варрантларнинг баҳоланиши*. Конвертацияланувчи қимматли қоғозлар*. Конвертацияланувчи қимматли қоғозлар ва варрантлар ўртасидаги фарқлар*. Корхона молиявий стратегиясида варрантлар ва конвертацияланувчи қимматли қоғозларнинг роли.

Банкротлилийк ва қайта тузиш

Банкротлилийкнинг микдор ва сифат жиҳатдан ифодаланиши*. Инқирозга учрашни олдиндан белгилаш. Банкротлилийкнинг сабаблари. Банкротликка учраган корхонани қўллаб-қувватлаш вариантлари: автоматик пролонгация (қарз муддатини узайтириш), қарздорнинг кредитор билан келишувга келиши*. Банкротликка учраган корхонани қайта тузиш. Қайта тузишнинг турлари: ижтимоий ва мажбурий. Корхонанинг тугатилиши*.

4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА- НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ РЎЙХАТИ

"Молия менежменти" фанидан дарсларни ташкил этишда кўргазмали воситалар, слайдлар, диафильмлардан фойдаланиш кўзда тутилган. Айрим мавзуларни ўрганиш компьютер техникасидан ҳам фойдаланишни талаб этади.

Таҳлиллар, прогнозли кўрсатгичлар, диаграммалар, персонал компьютерда, электрон жадвалларда Excel 7,0 пакети билан ишлаш орқали ёрқин намоён этилиши мумкин.

Шу билан бирга талабалар "Право" тизими орқали молиявий қонунчилик янгиликларидан хабардор бўлишлари ва ўқиш жараёнида улардан фойдаланишлари мумкин.

Case Studies: Ўзбекистон Республикасида молиявий менежмент тизимида доир ўқув мисоллари (рус тилида). Молия Вазирлиги хомийлигига "Бюджет-солик сиёсати" Маркази томонидан тузилган.

Масофавий ўқитиши соатлари: www.google.ru (Россия Федерацияси менежмент ва бозор академияси "Молия менежменти илмий тадқиқот институти"

дастурлари (муаллифлар раҳбари акад. Е.Стоянова)); www.yandex.ru; www.rambler.ru; www.worldbank.org.ru; www.imf.org.

Компакт диск: Sales information. International Monetary Fund – Publication Services; Exchange Rate Analysis with a Case Study on Poland.

Статистик тўпламлар:

1. Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2000, 2001, 2002 г.г.
2. Промышленность Республики Узбекистан за 2000, 2001, 2002 г.г.

5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

Талабаларни фан бўйича ўзлаштиришларини баҳолаш семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади ва орқали амалга оширилади; жорий баҳолаш, оралиқ баҳолаш ва якуний баҳолаш. Жорий ва оралиқ баҳолаш турига ажратилган баллар миқдори ўқув режасида фанга ажратилган соатнинг 70%, якуний баҳолашга эса 30% миқдорда белгиланади. Жорий ва оралиқ баҳолаш турларига белгиланган баллар қуидаги ҳолатларда қўйилади:

- талабанинг ўқув жараёнидаги давомати ва фаоллиги;
- амалий (семинар) машғулотларга тайёргарлик даражаси;
- фан бўйича асосий манбаларни конспектлаштириш;
- долзарб мавзулар бўйича рефератлар ёзиш;
- илмий тезислар тайёрлаш;
- мустақил таълим учун берилган назорат ишларини бажариш;
- фан бўйича кўргазмали қуролларни тайёрлаш.

Таянч тушунчаларига асосланган ёзма ишни ўтказиш тартиби "Рейтинг тизимини якуний баҳолаш босқичида "Ёзма иш" усулини татбиқ этиш бўйича Намунавий Низом" билан белгиланади. Семестр давомида фанлар бўйича тўплаган баллар қуидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари билан баҳоланади:

- 86 - 100 фоиз "аъло";
- 71 - 85 фоиз "яхши";
- 55 - 70 фоиз "қониқарли";
- 55 фоиздан кам "қониқарсиз".

6. АДАБИЁТ

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида қабул килинган. - Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари -Т.: Ўзбекистон, 1997.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон Буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилда ижтимоий-иктисодий тараққиётининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджетининг параметрлари тўғриси"даги 455-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунчилиги. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
7. Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунчилиги. - Т.: Ўзбекистон, 2002.
8. Акрамов Э.А., Таиров А.Э. Экономические реформы Республики Узбекистан. - М.: ТОО "Люкс-арт", 1998.
9. Анализ финансовых данных с помощью самоорганизующихся карт. Гвидо Дебок, Тейво Кохонен и др. Пер. с англ. -М.: Изд. дом Альпине, 2000.
10. Хруцкий В.Е., Сизова Т.В., Гамаюнов В.В. Внутрифирменное бюджетирование. -М.: Финансы и статистика, 2002.
11. Юрцева Т.В. Экономика некоммерческих организаций. -М.: Юрист, 2002.
12. Бочаров В.В. Управление денежным оборотом предприятий и корпораций. -М.: Финансы и статистика, 2001.
13. Бланк И.А. Основы финансового менеджмента. 2-изд. – Киев.: Ника-центр, 2001.
14. Бригхэм Ю. Энциклопедия финансового менеджмента. Пер. с англ. - М.: Экономика, 1998.
15. Соловьева А.К. Финансовая система государственного стратегия в России. -М.: Финансы и статистика, 2001.
16. Статистика финансов. Под ред. В.Н.Салика 2-е изд. -М.: Финансы и статистика, 2002.
17. Бурков В.Н. и др. Модели и механизмы распределения затрат и доходов в рыночной экономике. 2-изд. -М.: Изд. Инст-та проб. Управ., 2001.
18. Дробозина Л.А. Финансы. Уч. для ВУЗов -М.: Банки и биржи, 2000.

19. Родионова В.М. Финансы. 3-изд. -М.: Финансы и статистика, 2001.
20. Сабанти Б.М. Теория финансов. Уч. пос. 2-изд. – М.: Менеджер, 2001.
21. Финансы. Уч.под ред. д.э.н. Ковалевой А.М. 3-изд. -М.: Финансы и статистика, 2001.
22. Хеддервик К. Финансово-экономический анализ деятельности предприятий. Уч. под. ред. Воронова Ю.Н. 3-изд. -М.: Финансы и статистика, 2001.
23. Эрик Хелферт Техника финансового анализа: Пер. с англ. Под ред. Белых Л.П. - М.: Аудит, ЮНИТИ, 1996.

Кўшимча адабиётлар

1. Герасименко Г.П., Маркарьян Э.А. Финансовый анализ. Уч. пос. -М.: ПРИОР, 1996.
2. Иброхимов А.Т. Молиявий таҳлил. -Т.: Меҳнат, 1995.
3. Ларионов И. К. О некоторых вопросах социально-экономической стратегии и финансовой политики// Финансы, 1997.
4. Русак Н.А., Русак В.А. Основы финансового анализа. 2-изд. Минск, ООО Миркаванне, 2001.
5. Крейнина Н. Финансовый менеджмент. Уч. для вузов. 3-изд. –М.: Инфра-М, 2001.
6. Балабанов И.Т. Практикум по финансовому менеджменту. 2-изд. –М.: Финансы и статистика, 2000.
7. Финансовый менеджмент. Уч.под.ред. Е.Стояновой. 2-изд. –М.: Инфра-М, 2001.
8. Сумароков В.Н. Государственные финансы в системе макроэкономического регулирования, 2-изд., -М.: Финансы и статистика, 2001.
9. Boyd J. Inflation. "Growth and Central Banks Theory and Evidence", 1996. Policy Research Working Paper 1575. The World Bank. Washington. D. C.
10. EBKD transition Report 1998. Financial sector in transition. European Bank for Reconstruction and Development. London 1998.
11. Hermes N. Lesnik R. Financial System Development in Transition Economies. Journal of Banking and Finance. Vol. 24. pp. 507-524.
12. Moyer C. Financial System. Corporate Finance and Economic Development, in RA Hubbard (ed) Asymmetric information. Corporate Finance and investment. A National Bureau of Economic Research Project Report, University of Chicago Press. Chicago. PP. 307-322.
13. Steinherr A. An innovator Package for Financial Sector Reforms in Eastern European Countries. Journal of Banking and Finance 17 PP. 1033-1057.

14. Mingaleva Zh. About the experience of enterprise's strategies in crises situation. All Russian scientific conference "Economics" theory methodology, trends of development: S-Petersburg 1998.
15. Tkacheva S Innovation Activities Infrastructure as Multi Agent System The 11th Annual Meeting of the Japan Association for Evolutionary Economics. JAFEE 2000 Tokyo Japan 2000. 136-141.